



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 121 (8861).

19 июнь, 1986 йил

ПАЙШАНБА

Баҳоси 3 тийин.



Кеча пойтахтимиз
Москвада ўн бирин-
чи чақириқ СССР
Олий Советининг бе-
шинчи сессияси ўз
ишини бошлади



Москва, Кремль, 1986 йил 18 июнь. СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси.

КУЧ-ҒАЙРАТИМИЗ – БУНЁДКОРЛИК БЕШ ЙИЛЛИГИГА

Мамлакат халқ ҳўжалик комплексини тубдан қайта қуриш, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг кенг қўламли вази-
фалари ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг диққат марказида турибди. Сессия 18 июнь кўни Москвада Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси билан очилди.

Мажлисни СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Л. Н. Толкунов очди.

Бир овоздан сессия кўн тартиби ва унинг иш тартиби тасдиқланади. Муҳокамага қўйидаги масалалар кири-
тилди:

1. СССР Олий Совети Президиуми составидаги ўз-
гаришлар тўғрисида.

2. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986–1990 йилларга мўл-
жалланган Давлат плани тўғрисида.

3. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонла-
рини тасдиқлаш тўғрисида.

Сессия кўн тартибидagi биринчи масалани кўриб чи-
қишга киришади. КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг сек-
ретари, депутат Е. К. Лига-
чевга сўз берилади. У шун-
дай деди:

ССР Иттифоқи Олий Со-
вети Президиуми составида-
ги ўзгаришлар тўғрисидаги
таклифларни партия Марка-
зий Комитети Сийсий бюроси,
шунингдек Иттифоқ Со-
вети ва Миллатлар Совети
Оқсоқоллар кенгашининг
топширигига биноан сизлар-
нинг муҳокамангизга кири-
тишимга рухсат эттайсиз.

Бу таклифлар партия Мар-
казий Комитетининг Плену-
мида маъқулланган.

Ўртоқ В. В. Кузнецов
соғлиги ёмонлашганлиги ту-
файли пенсияга чиқиши му-
носабати билан ўзини ССР
Иттифоқи Олий Совети Пре-
зидиуми Раисининг биринчи
ўринбосари вазифасидан озод
қилишни илтимос қилди.

Партия Марказий Комите-
ти, ССР Иттифоқи Олий
Совети Президиуми ССР
Иттифоқи Олий Совети Пре-
зидиуми Раисининг биринчи
ўринбосари лавозимига ўр-
тоқ П. Н. Демичевни сай-
лашни тавсия этади.

Ўртоқ П. Н. Демичев узоқ
вақтлардан бўён партия рах-
бар органлари составига кир-
ган, партия Марказий
Комитети Сийсий бюроси
аъзосиди, ССР Иттифоқи маданият минис-
тридир. У илгари Москва
област ва шаҳар партия ко-
митетларининг биринчи сек-
ретари, партия Марказий Ко-
митетининг секретари бўлиб
ишлаган. Хуллас, у пар-
тиявий ва давлат фао-
лияти соҳасида катта
тажрибага эга. Ишга масъ-
улия билан муносабатда бў-
лиш, камтарлик, янги лаво-
зимда муваффақиятли иш-
лаш учун зарур бўлган
бошқа шахсий фазилатлар
унга хосдир.

(Давоми учинчи бетда).

СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986–1990 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА СССР Министрлар Советининг Раиси депутат Н. И. РИЖКОВ доклади

СССР Министрлар Со-
вети ўн иккинчи, беш йиллик
плани лойиҳасини СССР
Олий Совети сессиясининг
кўриб чиқиши учун тақдим
этади. Бу лойиҳа КПСС
XXVII съездининг қарорла-
рига тўла мувофиқ равишда
ишлаб чиқилган. Унда КПСС
Марказий Комитетининг
съезда қилган Сийсий до-
клади йўл-йўриқлари, СССР-
ни иқтисодий ва социал ри-
вожлантиришнинг 1986–
1990 йилларга ҳамда 2000
йилгача бўлган даврга мўл-
жалланган Асосий йўналиш-
лари ўз ифодасини топган.

Съезд ўртага қўйган го-
ят асосли, чинакам революцион
вазифалар, у вужудга кел-
тирган иқдорлик ва бун-
ёдкорлик муҳити мамла-
катнинг иқтисодий-сий ва
иқтисодий ҳаётига тобора
кўпроқ самарали таъсир ўт-
казмоқда. Бу вазифалар
халқ манфаатларига тўла-
тўқис эмос келмади, шу боис-
дан ҳам халқ уни яқинлик
билан маъқуллади ва қўл-
лаб-қувватлади. Партия ҳо-
зир қўлаётган асосий маъ-
сад куч-ғайратларини съезд
қарорларининг тўла-тўқис
ва сўзсиз бажарилишига,
ўй-фикр ва режаларни амал-
да рўйга чиқаришга қар-
атишдан иборатдир.

КПСС Марказий Комите-
тининг съезд арасидада бў-
либ ўтган Пленумида, КПСС
Марказий Комитети Бош
секретари М. С. Горбачев-
нинг доклады партия билан
давлатда рўй бераётган
чўқур қайта қуриш кенг ва
муассал тахлила этилиб,
совет жамиятининг съезд-
дан кейинги ривожланиш
объективи маназараси, жа-
ҳондаги таъсир сийси вази-
ят кўрсатиб берилди. XXVII
съездининг мамлакат соци-
ал-иқтисодий ривожланиши
жадаллаштиришга, унинг
бўлуна қаратилган беш йў-
лини амалда ошириш вази-
фаси коммунистлар, барча
мухажирлар ишининг мар-
казига қўйилди. Пленум ана
шу йўлни амалда рўйбўга чи-
қариш позициясида туриб,
беш йиллик план лойиҳаси-
ни атофлича кўриб чиқди
ва уни маъқуллади.

Партиянинг программий
мақсадларини амалга оши-
ришда беш йиллик алоҳида
ўрин тутишга асосланиб,
янги, муҳим йўл-йўриқлар
ўртага қўйилди, улар пар-
тия иқтисодий стратегия-
сини рўйбўга чиқариш учун
(Доклад қисқартриб
эълон қилинмоқда).

биринчи даражали аҳамият-
га эгадир. Пленум юксак са-
марадорликка эришиш йўл-
ларини қидиришни чўқур-
лаштирди, омманинг иқодий
кучлари ва ташаббускорли-
гини сафарбар этишда план-
нинг гоят катта ролини таъ-
кидлади. Бизнинг социалис-
тик жамиятимизда айни
планлар асосида миллион-
ларнинг ғайрат-шикоати
энг яқин ва узоқ муддатли
вазифаларга эришиш учун
қаратилган ягона оқимга қў-
шилмоқда. Айни планлар
ҳар бир меҳнат коллективи-
ни, ҳар бир тармоқни, ҳар
бир республикани ривож-
лантиришнинг равшан ва
барқарор истиқболини кўр-
сатиб беради.

План лойиҳасини тайёр-
лаш жараёнида корхоналар
ва бирлашмаларда, министр-
ликлар ва идораларда, итти-
фоқдош республикаларда
ишлаб чиқаришни ўстириш
ва самарадорлигини ошириш
суръатларини жадаллашти-
ришнинг, иқтисодий ахти-
ёлларни тўлароқ қондириш-
нинг қўшма имкониятла-
рини аниқлаш борасида кат-
та ишлар ўтказилди. Партия
XXVII съезди делегатлари-
нинг таклифлари ва фикр-
мулоҳазалари, КПССнинг
янги тахрирдиги Програм-
маси ва Асосий йўналишлар
лоийҳаларининг съездда
муҳокамаси материаллари
диққат билан ўрганиб чи-
қилди. Олий Советнинг до-
имий комиссияларида план
таалабчиллик ва манфаатдор-
лик билан атофлича муҳо-
нама қилинди. Мана шулар-
нинг ҳаммаси уни партия ва
халқнинг коллектив ақли-
роқи, таърибаси билан бо-
йитиш имконини берди, бу
эса планли бошқариш совет
системаси демократизми-
нинг ўсиб бораётганлиги-
нинг ёрқин ифодаси бўлди.

Н. И. Рижков беш йил-
ликнинг энг муҳим масала-
ларига тўхталди, қуйидаги
изни айтиди: мамлакатни со-
циал-иқтисодий ривожлан-
тиришни жадаллаштириш-
нинг КПСС Марказий Коми-
те-тининг 1985 йил апрель Пле-
нуми ишлаб чиққан, партия
XXVII съезди бойитган ва
маъқуллаган стратегиясини
амалга оширишда ўн икин-
чи беш йиллик алоҳида роль
ўйнайди. Бу беш йиллик 70-
йилларда ва 80-йилларнинг
бошларида халқ ҳўжалигини
ривожлантиришда вужудга
келган салбий тенденция-
ларни бартараф этиши,
экономиканинг барча тар-
моқларида ва фаолият соҳа-
ларида реал бурилишни, ин-

теисв ўсиш йўлига қатъий
ўтишни таъминлаш ва ай-
ни вақтда бундан бўён олға
ҳаракат қилиш учун муста-
кам пойдевор яратиши ло-
зим.

Шу йўлни амалга ошириш
халқ ҳўжалигини нихоятда
кенг маънодаги тубдан ре-
конструкциялашни талаб қи-
лади. Бу эса фан-техника
тараққиети ютуқлари асо-
сида моддий ишлаб чиқа-
ришнинг сифат ўзгариш-
ларини, структура ва инвести-
ция сийсати тубдан қайта
қурилишини, бутун ҳўжалик
механизмининг чўқур ислоҳ
қилинишини, инсон омил-
ли бутун чоралар билан актив-
лаштирилишини, планлари-
мининг социал йўналиши
кучайтирилишини тақозо
этади.

Шу қадар кенг миқёс-
ли ва масъулиятли вазифа-
ларни ҳал этиш зарурати беш
йилликни ишлаб чиқишга
янгица ёндашувларни, асо-
сий эътиборни иқтисодий
ишлаб чиқаришнинг юксак
самарадорлигига эришиш
конкрет йўллари билан
лашга қўйрилишини талаб
қилди. Илгари ҳеч қачон
экономикани интенсифика-
циянинг жуда чўқур резерв-
ларини сафарбар этиш маса-
лалари беш йиллик планини
тузишда шу қадар ҳал қи-
лувчи роль ўйнамаган эди.
Бундан бошқа ҳар қандай
одатдагидек ёндашув иқти-
содий ҳаётининг илгарики
изни қайтишни билдирган
бўлур эди, бу экономикани
КПСС XXVII съезди белги-
лаган марраларга олиб чи-
қиш имконини бермасди.

План лойиҳасининг деяр-
ли барча кўрсаткичлари юза-
сидан Асосий йўналишлар-
даги топшириқларнинг энг
юқори даражасига эришиш,
саноатда ва баъзи энг муҳим
социал кўрсаткичларда
эса улардан бирмунча ўзиб
кейтиш кўзда тутилган.

Планда кўзда тутилган
топшириқлар беш йиллик-
нинг бош вазифаси амалга
оширилишини тўла-тўқис
таъминлайди. Экономикани
ривожлантириш суръатлари
ва унинг самарадорлигини
ошириш, шу асосда совет
халқи фаровонлигини янада
юксалтиришга эришиш ана
шу вазифанинг моҳиятидир.
Моддий ишлаб чиқаришнинг
беш йиллик планда мўлжал-
ланган миқёслари мамла-
катнинг мудофаа қудратини
тегишли даражада сақлаб ту-
риш имконини беради.

План топшириқларига асо-
с қилиб олинган жадаллашти-
риш концепцияси суръат-
ларига эмос, шу билан
бирга энг муҳим иқтисодий
кўрсаткичларнинг мутлақ
ўсиши анча қўлайганлигида
ҳам намоён бўлмоқда.

План лойиҳасини ишлаб
чиқиш чоғида ўн икинчи
беш йиллик вазифаларини
эмос, шу билан бирга пар-
тиянинг узоқ муддатли иқ-
тисодий сийсатини амалга
ошириш зарурлиги ҳам ҳи-
соба олинди. Шу муносабат
билан капитал маблағларини
ўстиришни жадаллаштириш
йўлидан боришмоқда. Шу
тариқа капитал маблағлар-
нинг мутлақ ўсиши ва
суръатларининг пасайиши
наби кейинги ўн йил мобай-
лида мавжуд бўлган салбий
тенденция бартараф этила-
ди.

Беш йиллик маромини иқ-
тисодий жиҳатдан асослаш,
халқ ҳўжалигининг ўсиш
босқичларини йиллар бўйи-
ча белгилаш беш йиллик
планини тузишнинг, шу план
реаллиги ва пухталигини қу-
чайтиришнинг принципиал
масаласидир. деди доклад-
чи. Биз ўтмиш хатолардан
сабоқлар чиқариб олдик, ил-
гари суръатларни қучайти-
риш беш йилликнинг охири
йилларига қолдирилган, бу
билан эса унинг бажарили-
ши жуда дарғумон бўлиб
қолар эди. Янги беш йиллик
планда бундай камчиликка
барҳам берилди. Бу планда
барча асосий кўрсаткичлар-
нинг ўсиш суръатларини
бир текисда ошириб бориш
кўзда тутилган.

Ўн икинчи беш йилликда
халқ ҳўжалигини ривож-
лантиришнинг юксак марра-
ларига эришиш мақсадларини
ўсишининг янги манбаларига
асосланади. Ҳозирги шaro-
итда фан-техника тараққи-
ти, реконструкциялаш, си-
фат, самарадорлик ҳал қи-
лувчи таянч омилларидир.
Бу — беш йиллик план қу-
рилган пойдевордир.

Авалло, фан-техника та-
раққиётини тубдан жадал-
лаштириш борасидаги чора-
тадбирлар синчиклаб пухта
ишлаб чиқилди. Моҳият
шундан иборат эдики, фан-
техника тараққиети бутун
планга сингиб кетиши, унинг
узвий қисми бўлиб қолиши
лозим эди.

Ҳар бир тармоқ учун ян-
ги техника ва технологиядан
фойдаланишнинг пировард
натияжаларини кўрсатувчи
топшириқлар белгиланган. Бу
ҳол министрликлар ва идора-
лар, бирлашмалар ва корхо-
налар зиммасига ўз олдла-
рига қўйилган вазифаларни
ҳал этиш конкрет йўллари-
ни танабб олдида ва улар-
ни амалга оширишда кўпроқ

Маҳсулотнинг техникавий
даражаси ва сифати ҳусу-
сидати ишларнинг аҳолини
тубдан яхшилаш жуда ўткир
халқ ҳўжалик муаммоси бў-
либ қолмоқда. Ҳозирги ша-
роитларда бу муаммо фан-
техника тараққиётини жадал-
лаштириш вазифаси билан
бир қатордан ҳал қилинмоқда.
Машина ва ускуналарнинг
техникавий даражасини ўсти-
риши, уларнинг унумдор-
лигини, ресурси ва пишиқ-
пухталигини ошириш халқ
ҳўжалиги талаб-эҳтиёжлари-
ни тўлароқ қондиришнинг
муҳим манбаларидан бири
бўлади.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ
ДЕПУТАТ П. Н. ДЕМИЧЕВНИ СССР
ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
РАИСИНИНГ БИРИНЧИ УРИНБОСАРИ
ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари
Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:
Депутат Петр Николевич Демичев СССР
Олий Совети Президиуми Раисининг
биринчи ўринбосари қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети
Президиумининг Раиси

А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети
Президиумининг Секретари

Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль,
1986 йил 18 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ
ДЕПУТАТ В. В. КУЗНЕЦОВНИ СССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ
БИРИНЧИ УРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН
ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари
Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:
Депутат Василий Васильевич Куз-
нецовнинг саломатлиги ёмонлашиб,
пенсияга чиқиши муносабати билан
СССР Олий Совети Президиуми Раис-
ининг биринчи ўринбосари вазифасидан
озод қилиш ҳақидаги илтимоси қонди-
рилсин.

СССР Олий Совети
Президиумининг Раиси

А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети
Президиумининг Секретари

Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль,
1986 йил 18 июнь.

TACC).

ОБЛАСТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ



ДУСТИЛИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Шу кунларда СССР Халқлари дўстлиги музейи таширф буюрган ҳар бир киши ўзини бамисоли Болгария Халқ Республикасининг Хасково округида бўлганидек ҳис қилади. Бу ерда Болгария меҳнаткашларининг ажойиб ишлари билан танишилади. Музейда БХР 29 округининг бири бўлган Хасково округининг бүгунги кунга қадарги фотокўрагачи очилди. Бу кўрагачи музеемиз — БКП Хасково округ комитети сиёсий маориф уйи кабинети мудири Лилия Николова ҳамда сиёсий ва илмий билимларини тарқатиш бўйича жамият округ совети раисининг ўринбосари Желязко Делчевлар олиб келишган.

Фотосуратларда замонавий кўп қаватли уйлар қурилган кўчалар, кишилар меҳнати билан вужудга келган ажойиб манзарали бурчаклар, Болгария индустриясининг фахри ҳисобланган машинасозлик заводлари цехлари, поёнсиз саба-вот плантациялари ва Тошкентда ишлаб чиқарилган пахта териш машиналари жавлон уриб юрган пахта майдонлари ўз аксини топган. Экспозиция марказида Болгария Коммунистик партиясининг XIII съезди белгиланган кенг қўламли планларини амалга оширувчи кишиларнинг фотосуратлари қўйилган. Улар орасида бизга яхши таниш бўлган ва Ўзбекистоннинг пойтахт области ҳамда Хасково округи ишлаб чиқариш коллективлари ўртасида сиртқи социалистик мусобақанинг ташаббускорлари — БХР Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, харманлилик тўқувчи Иванка Гинева ҳамда димитровградлик шахтёр Ради Станчевлар турибди. Уларнинг тошкентлик ва хасковликлар томонидан қўлаб-қувватланган кўпгина ташаббуси ишлаб чиқариш коллективларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Лилия Николова кўргазмани очиб, СССР халқлари дўстлиги музейида тўпланган тошкентликларини бу воқеа муносабати билан табриқлар экан, ўз юрдошларининг меҳнат жасоратлари, уларнинг ҳаёти, турмуши, ҳақида гапирди.

Хасково округидан келган меҳмонлар шу кунги Олимпиада бўлиши. Улар шаҳар партия комитетида шаҳар партия ташкилотининг меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича иши билан танишишлар, ташкилий-партиявий ишлар ва сиёсий маориф на-бинетлари фаолиятлари билан қизиқдилар. Шунингдек, улар Қалмоққир конида ва химия заводида бўлишди.

Кеча қардош мамлакат вакиллари Тошкент трактор заводи ва «Электрхимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаларига боришди.

ҚИЗИҚИБ ТАНИШМОҚДАЛАР

Москва олий партия мактабининг Чехословакия Социалистик Республикасидан келган бир гуруҳа тингловчилари Тошкентдаги ўқув практикаси давомида «Областимиз» газетасидаги хўжалик ва маданий ҳаётга таъриф билан танишишнинг давом эттирилди. Улар ўтган кунги Галаба районига таширф буюришди. Район партия комитети раҳбарлари меҳмонларнинг кўп сонли саволларига жавоб бериб, социал ва иқтисодий ривожланиш масалаларини ҳал қилишда партия, давлат ва хўжалик органлари ўртасидаги вазифаларнинг қатъий чекланганлиги тўғрисидаги ленинча принцип амалда қандай қўлаб-қўллаётганини ҳақида гапирди. Практикантлар «Ўзбекистон СССР беш йиллиги» совхозида бўлишди.

Кеча чехословакиялик тингловчилар Фрунзе район партия комитети ходимлари билан учрашдилар. Бу ерда КПСС XXVII съезди талаблари асосида оммавий-сиёсий ишнинг самардорлигини ошириш бўйича бошланган суҳбат Тошкент тўқима-чилик комбинати партия комитетида давом эттирилди. Меҳмонлар ишчи-хизматчиларнинг социал-маиший шароитларини яхшилаш, уларнинг дам олишини уюштириш бўйича қўрилатган тадбирлар билан қизиқдилар, тўқимачилар Маданият саройини ва стадионни бориб кўрдилар.

Суратда: Москвадаги олий партия мактабидан чехословакиядан келиб ўқитган тингловчилар Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасида корхона партия комитетининг секретари Х. Н. Шагвев (олдинда чапдан учинчи) билан суҳбатлашмоқдалар.



НАВАБ ЧОРАК ФИНАЛ УЙИНИЛАРИГА

Кеча Дания — Испания, Англия — Перуваги командалари ўртасидаги ўрашувлардан сўнг, чорак финалда қатнашадиган ҳамма команда маълум бўлди. Сўнгги икки ўрашувда Мексика, Бельгия, Бразилия, Аргентина, Франция ва ГФР командалари галабага эришиб, чорак финалда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритишган. Бундан аввалги биринчи раундда миллионлаб мухлисларни ҳайратга солган ва жаҳон чемпиони, федератив уюшмани муссаб бўлган Италия футболчилари, бу сафар ҳатто чорак финалга ҳам чиқишмади. Улар иккинчи раундда Франция футболчиларига 0:2 ҳисобида ютқазилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ЎЗБЕК ТИЛИГА ДУБЛЯЖ ҚИЛИНГАН БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРИЛДИ

«ҲАЛОКАТГА МАҲКУМ ЭТИЛГАН КОННИНГ ТОНГИ»

Сценарий муаллифлари — А. Дашиев, В. Митипов. Режиссёр — А. Дашиев. Ролларда: Д. Шчербаков, И. Еваши, И. Лапиков, Д. Негребин, З. Кириченко, А. Сластин, И. Рижов ва бошқалар. Бу тарихий-революцион саргузашт лента 1918 йил ёзила Габрий Зайкальке олтин конларида Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб боришга кураш ҳақида ҳикоя қилади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«РАҚИБЛАР»

Сценарий муаллифлари — В. Ежов, В. Садовский. Режиссёр — В. Садовский. Ролларда: Л. Гузеева, Ю. Демич, О. Штефаненко ва бошқалар. Бу фильм — иқтидорли Надежда Привалованинг ҳаёти, муҳаббати ва катта спортдаги машаққатли йўли ҳақидаги романтик киноновелла бўлиб, у эришган муваффақиятлари билан қаноатланиб қолмай, балки ўз ноёб қобилиятини тўлақонли рўбга чиқариш учун курашувчи ҳормас-толмас аёллар.

«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.


ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ.

СТАКАНДАГИ БИР ЧАҚМОҚ МУЗ

БИР ЧАҚМОҚ МУЗ СТАКАНГА ҚУЙИЛГАН МЕВА ШАРБАТИ, КОКТЕЙЛЬ, ПЕПСИ-КОЛАНИ ҲАМДА РОХАТБАХШ ҚИЛАДИ. Агарда сизнинг овқатланиш хонангизда «Ладога-40 М» ҳолодильник-бар бўлса, шербатлар, ҳўл мевалар уринмай сархил-сақнади ва истеъмол қилинадиган муз парчаси доимо тайёр туради.

Асл нави ёғочдан ишлов бериб қопланган ҳолодильник жиҳоз сифатида ҳам квартирангизга муносиб ярашади. Бу ҳолодильник музлатиш намераси ва совутиш хонасидан иборат. Махсус регулятор ёрдамида музлатиш камерасидати температура бир хил маромга келтирилади.

Ҳолодильникда тўпланиб қолган муз ярим автоматик ҳолда эриб туради. Баҳоиси — 190 сўм.



«УЗХОЗТОР»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ (телефон 96-07-12). «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети ОХАНГАРОН ШАХРИДАГИ 42-УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1986—1987 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

радиотелемастер. Ўқиш муддати — 2—4 йил; ошпаз-кулинар, сартарош, соат тўзатиш уста-гравиёркачи, маиший техника буюмлар, ҳолодильниклар ва кондиционерларни тўзатиш бўйича слесарь. Ўқиш муддати — 3 йил; аёллар ва болалар кийимларини тикувчи уста, эркакларнинг устки кийимларини тикувчи-уста. Ўқиш муддати — 3 йил; аёлларнинг устки кийимларини тикувчи уста (бичиш ҳуқуқи билан). Ўқиш муддати — 1,5—3 йил.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 15—25 ёшли йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга ҳар кун уч маҳал беғуз овқат, формалар кийини-бош, бошқа шахарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 проценти ўқувчиларга берилади. Билим юртида 3 йил ўқиган ўқувчиларга ўрта маълумот ҳақида аттестат ва ўрганган ихтисоси бўйича диплом берилади.

Билим юртини 4 ва 5 баҳолар билан битирганларга олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

Машгулотлар 1 сентябрда бошланади. Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 288-формадати медицина справкаси, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характиристика, таржимаи ҳоли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент области, Охангарон шаҳри, 4-микрорайон, Ленин кўчаси, 1 «а» уй.

904-СЧЕТГА ЎТКАЗИЛДИ

ҲАҚИҚИЙ дўст меҳри, кўнглида далда берувчи бир оғиз ширин сўзнинг қадри бошга ташвиш тушганда билинади. Чернобыль воқеаси мажор-ҳинматининг ина бир ёқини далили бўлди. Бугунги кунда барча совет меҳнаткашлари, чернобылликларга мадад беришни ўз қалб даъватлари деб билди, уларни ҳар томонлама қўлаб-қувватламоқдалар. Ҳақиқат дўстлиги ордени Тошкент политехника институтини иқтисодий фанлар факультетининг педагогик коллектив ҳамда мажор ҳайрли ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб, 904-счётга аниқгина маблағ ўтказди. Хусусан, иқтисод фанлари кандидати У. Содинков ўз маошидан икки кунлик иш ҳақини, доцент Д. М. Султолов ўз шахсий жамғармасидан юз сўмни чернобылликларга ёрдам фондида ўтказишга қарор қилишди. КПСС тарихи ва ҳафрасининг катта ўқитувачиси Р. Умаров эса икки ойлик маошининг 25 процини 904-счётга ўтказиб билан бирга, Чернобыль район партия комитетига мурожаат қилиб, у ерлик икки болаи ўз оиласига тарбиялашга юборишларини илтимос қилди.

МАҲОРАТ КҮРИГИ

Чиноз районида турли касб эгалари маҳоратларини ошириш мақсадида конкурслар ўтказиб турилади. Яқинда шахта тозалаш заводи алаш шундай тадбирлардан бири ўтказилди. «Жарроҳлар операция столи» деб номланган бу конкурсда район марказий шифохонаси хирургия бўлими ҳамширалари иштирок этиб, бермага биринчи медицина ёрдами курсатини, операцияда фойдаланиладиган асбобларнинг турлари ҳамда уларнинг қўлланилиши бўйича билим ва тажрибаларини синовдан ўтказди.

Конкурсда ҳамширалардан Н. Каримова, С. Ханомовлар юксак маҳорат кўрсатиб, жюри ҳайъати томонидан юқори баҳоладилар.

Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди

РАЗВЕДКАЧИ БОЛАКАЙ

1944 йилнинг апрель ойлари эди ўшанда. Биз истеҳкомда турган Белоруссия ўрмонларига ҳам баҳор етиб келди. Ҳамма ёқ кўм-кўк. Ўрмон қўшлари шоҳ-қандан-шоҳга саркаб сайраб, қандайдир дилгирлик касб этади. Ўшанда мен батальон командири капитан Ражабовнинг орденадари (шахсий қўғириқчи) эдим. Шунинг учун ҳам доимо капитан билан бирга бўлардим. Туналик постларни айланиб юрганда ҳам ундан ажралмасдим. Авваллари ертўлада бўламак жанглар ҳақида командирлар суҳбатлашадиган пайтларда мен ташқарига чиқиб кетардим. Лекин капитан бир кун:

Довим мен билан бўлишни керак. Ташқарига чиқма, — деб буйруқ берди. Биз истеҳкомда турганимиз учун ҳам ўша кунлари отишмалар унча кўп бўлмади. Лекин биздан анча узоқда катта ҳужум кетаётгани сезилиб турарди. Биз ҳам кўп ўтмай ҳужумга ўтишимиз керак. Лекин ён афсимиздаги вазиятни яхши билимасдик. Бунинг учун эса «тил» керак эди. Нимагадир ўша кунлари разведкачиларимизнинг ишлари юрмасди, бир неча кундан бери «овга» чиқишса-да, «курқу» қайтишарди. Ҳатто миналарга дуч келиб, яраланиб қайтган кунлар ҳам бўлди.

Одатдагидек бугун ҳам командирлар бизнинг ертўлада бўлишди. Улар орасида мен таннмаган, ўрта ёшли бир киши ҳам бор эди. Уни оқ калпақ кийиб олганини кўриб, разведкачи бўлса керак деб қўлимдан ўтказдим. Янгиланган эканман. У ливини разведкачилари вазидининг командирини экан. Командирлар узоқ маслаҳатлашди. Лекин разведкачилар изводи командирини олгиз ҳам очмасди. — Ҳўш, сен қандай фикрдасан? — деди кутилмаган қамбат, разведкачилар изводи командирини мурожаат этди. — Назаримда бу ерда ҳийла ишлатиш керак. — Қандай ҳийла, — унинг сўзини бўлди батальон командирини.

Лейтенант ўзини ўнглаб олиб, хотиржамлик билан гап бошлади. У бундан бир неча кун илгари, ҳарбий қисм дам олаётган ерда ҳаммага таниш бўлиб қолган 11—12 ёшли ҳўштакво Вова исмли болаи асладди. — Командирлар биз қарорга келишим: Вова уч нафар разведкачи билан бирга дўшман томонга ўтади. У жангчилардан олдинроқда узоқроқ юриб, йўлдан ҳабар олиб кетаверди. Ўшдан ҳеч қандай ҳаф-хатар бўлмаса у хотиржам ҳўштак чапиб «булбул хони»ни қиладиган бирор хатар туғилса савъанингга ўхшаш товуш чиқарадиган бўлади.

Тўрт нафар разведкачи шу тарихида икки кун ён атрофдаги вазиятни ўрганишди. Биргина «сайроқ» болакай бутун батальон жонига оро киришти. Ўша кунги бир «тил»ни ҳам қўлга тушириб, разведкачилар гуруҳи қайтиб келди. Бир неча кундан сўнг биз ҳам ҳужумга ўтадиган бўлганимиз учун Вова билан ҳайрлашмишга тўғри келди. Ўша воқеа сабаб қаерда бўлмайлик — шаҳардаги қишлоқда, ўрмонда, денгиз бўйидаги қўш сайрашини эшитишимиз биланоқ жангчиларимиз беихтиёр сергак тортадиган, кейин эса ўша болакайни эслаб уни соғинганимизни ҳис этадиган бўлиб қолдик. Ўрушнинг сўнги кунларига қадар қўшлар хониши биз учун алаҳқанди сехрили овоғозга ўхшаб қолаверди.

С. АБДУЛЛАЕВ, уруш аветари, истеҳкомдаги старший лейтенант.

ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРДА

ТАРИХ ЛАВҲАЛАРИ

ЯҚИНДА «Фан» нашриёти «Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқларининг маданий алоқалари тарихини» номли мақолалар тўпламини нашрдан чиқарди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтини ҳодимлари томонидан тайёрланган бу тўпламга 20 га яқин муҳим материаллар киритилган. Китоб «Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги маданий алоқалар» қадим замонлардан мавжуд эканлигини далилат берувчи

археологик тадқиқотлар ҳақидаги мақола билан бошланади. Маълумки, Ўрта Осиёнинг олдин муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг «Ҳинд ҳисоби тўғрисида» китоби ўрта аср фанида буюк бурилиш йўлини бошлаб берган эди. Ана шу асар тўғрисида ҳиндларнинг ўзини санок системаси XII асрда Европага тарқалди. Бу эса «Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқларининг бугун жонли илм-фанига қўшган муҳим ҳиссалари сифатида катта тарихий аҳамият касб этади. Тўпламда XVI—XVII асрларда яшаб ижод этган Самарқандлик шоир ва таъриханаси Мулрийи ва унинг Ҳиндистонга сафарини ҳақида бой маълумотлар берилган. Шунингдек, нобитон бу асардан эришмадан олдинги III асрда санскрит тилида ёзилган «Калила ва Динна» асарининг яратилиши, Ҳиндистоннинг ўрта асрга олди тарихий қўл ёзма-лари ҳақида батафсил тўшунчага эга бўлади.

Буллардан ташқари Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда яшаб ижод этган машҳур ҳаттотлар ва миниятурчилар, табиблар таржимаи ҳоли ва фаолиятлари ҳам ўқинишга ва қизиқариш шарҳланган.

Тўплам охирида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқларининг ҳозирги даврдаги маданий алоқаларини ифодаловчи мақолалар ҳам келтирилган. «Ҳиндистон миллий адабиётининг Ўзбекистонда ўрганилиши», «Ҳиндистон ва Гафур Ғўлом» мақолалари шулар жумласидандир.

«Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқларининг маданий алоқалари тарихини» китоби тарихчилар, адабиёт ва маданият ходимлари ва кенг китобхоналар оmmasига мўлажалланган.

Ш. ЗОКИРОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг илмий ходими.

БУГУН

9.00 «ВРЕМЯ». 9.45 «Союз-мультифильм» киностудиясининг мультипликацион фильмлари. 10.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 1/8 финал. Мексикадан олиб кўрсатилади. 12.30 Янгиланган. 15.00 «ВРЕМЯ». Телевизион хўфаткич фильм премьераси (Уф). 15.40 А. Рибенов ҳақра-

монлари экранида. «Волякиннинг сўнги йили». Уч сериали телевизион бадий фильм. 2-сериал. 16.50 «16 ёлгача ва ундан катталар». 16.55 «Фан ва турмуш». 18.05 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 1/8 финал. Танафус пайтида (18.55) — «Душ воқеалари». 20.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати нундалиги. 20.15 «Килик ва қалон». Тўрт сериали бадий фильм 3-сериал. 21.30 «ВРЕМЯ». 22.05 Г. Рендель Концертго грессо. Словак камер оркестри жиро этади. 22.20 «Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 1/8 финал. Танаф-

фус пайтида (23.05) — «Душ воқеалари». Ҳ. Ҳ. 7.15 Ритмик гимнастика. 7.40 «Тогларини йиллар». Телефильм. 7.50 «Салом, юччи-тоғлар!» 8.00 Ишчи ёшлар учун. «Беш йиллик олимлар». 8.10 «Надирон Мешчери». Телефильм. 8.20 «Тонгги тароналар». 8.30 «АХБОРОТ». 18.00 Янгиланган. 18.15 «Абитуриент-86». Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтини «Турли профилдаги ўқув юртиларида мутахассислар тайёрлаш замонавий талаблар даражасига кўтарилди». 18.50 «Қўннинг кўзи ёшлари».

Мультифильм. 19.00 Ягона сиёсий кўнга. 19.30 «АХБОРОТ». 19.45 «Султон Жўра ижоди». «Ёдгорини» туркумиди. 20.15 «Менинг ёғи боғи». Телефильм. 20.30 «АХБОРОТ». 20.50 «Дўстлик оханларини». Курмовгози мовли хизмат кўрсатган Қоноқ Давлат академик халқ чоғуларини оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «ВРЕМЯ». 22.05 «Ягона сиёсий кўн». 22.35 «Турналар уммоқда». Бадий фильм. («Мосфильм»). Кўрсатуш тугагач — кўрсатувлар программаси. Ҳ. Ҳ. 9.00 — 17.05 МТ II. 17.55

кўрсатувлар программаси. 18.00 Ўсимлар учун. «Тенгдош». Тошкент шаҳар 91-мактабининг «Иланиш» клуби ҳақида ҳикоя. 18.35 Абитуриентлар учун. Математика. 19.15 Рекламалар. 19.25 «Иланиш» студияси кўрсатади. «Касби» («Фан»). 20.00 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма. 21.00 «Дал ҳовлиси ва унинг теварагида». Ўзбекистон телевидениесининг «Ташкент» каналдаги «Тошкент ҳақиқати» газеталари редакциялари ҳамда Тошкент области ижроия комитети билан қўшма рейд. 21.30 МТ II.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КҮЧАСИ, 32

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БҒИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, сурат ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

Р. 16116. Б. 1625. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени билан таъминланган. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64884. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12